

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**ОЧИҚ ДАРСЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ
ЎРНИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**XII ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ТЎПЛАМИ**

**ROLE OF OPEN LESSON TO INCREASE EDUCATION QUALITY
AND WAYS OF OPTIMIZATION**

**THE COLLECTION OF THE MATERIALS OF
THE XII EDUCATIONAL CONFERENCE**

**РОЛЬ ОТКРЫТЫХ УРОКОВ В ПОВЫШЕНИИ
КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ И ПУТИ ОПТИМИЗАЦИИ**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
XII УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

Тошкент 2017

possible to determine the sex of a skeleton by examining the skull, the most reliable indicator of sex is the pelvis, primarily the ossacoxae. The ossacoxae are the most sexually dimorphic bones of the body due to the requirements of pregnancy and childbirth in females. For example, the female pelvis is shallower and wider than the male pelvis in order to accommodate an infant's head as it passes through the birth canal. Some of these differences are obvious, such as that males have narrower hips than females do. But we can find many other differences by examining the shapes and orientations of the pelvic bones. For example, the female ilium flares more laterally, while the male ilium projects more superiorly, which is why males typically have narrower hips. Since the female pelvis is wider, the greater sciatic notch is much wider as well. In contrast, the male greater sciatic notch is much narrower and U-shaped. Females tend to have a preauricular sulcus, which is a depression/groove between the greater sciatic notch and the sacroiliac articulation. Males tend not to have this sulcus. The sacrum is usually shorter and wider in females. The coccyx projects more vertically in males, whereas the female coccyx has a posterior tilt. The body of the pubis in females is much longer and almost rectangular in shape, compared to the shorter, triangular male pubic body. The subpubic angle (or pubic arch) is the angle formed when the left and right pubic bones are aligned at their pubic symphyses. Because females have much longer pubic bones, the corresponding subpubic angle is much wider and more convex, usually much greater than 100 degrees. The male pubic arch is much narrower and typically does not extend past 90 degrees.

ОЧИҚ ДАРСНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ, БАЖАРИШ ВА ТАҲ- ЛИЛ ҚИЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Гульманов И.Д., Шамирзаев Н.Х.

Очиқ дарс – методик ишни ташкиллаштиришнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, бунда ўқитувчи ўзининг позитив ёки инновацион тажрибасини, методик фикрини амалга ошириш қобилятини, таълим беришнинг методик усули ёки таълим услубини ҳамкасбларига намоиш этади.

Очиқ дарсларни тайёрлаш ва бажариш учун қатор талаблар мавжуд. Очиқ дарсларни юқори даражадаги илмий-методологик ва касбий тайёргарликка эга ўқитувчилар олиб боришади, очиқ дарсда, ҳам мазмунида, ҳам методикасида янгилик бўлиши зарур. Очиқ дарс ўқитувчи томонидан амалга оширилаётган методик муаммонинг ечимини акс эттириши керак. Очиқ дарс таълим жараёнига олиб кирилаётган янгиликнинг юқори самарадорлигини исботлаб бериши лозим.

Очиқ дарсни олиб боришда ўқув-тарбиявий жараёнга қўйилган барча талабларга риоя қилинади. Машғулот оддий шароитларда, умумқабул қилинган давомийликда бажарилади. Таълим олувчилар, худди таклиф этилганлар бўлмаган шароитларда олиши керак бўлган билимларни эгаллаши лозим. Ташриф буюрганларга алоҳида жой тайёрланади. Очиқ дарс ва унинг мазмуни режага мос бўлиши керак.

Очиқ дарс методик мақсадни кўзлайди. Машғулотнинг асосий дидактик мақсадини аниқлаш – бу машғулот асосан нимага мўлжалланган бўлади, янги материални ўрганишгами ёки материални мустаҳкамлаш, қайтариш ва тизимлаштиришга қаратилганми. Дидактик мақсаддан келиб чиққан ҳолда машғулотларнинг

қуйидаги турларини кўрсатиб ўтиш мумкин: янги материални ўрганиш, муштақамлаш, умумлаштириш ва уйғунлаштирилган машғулот.

Ўқув машғулоти ҳақидаги замонавий илмий нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда, машғулотнинг мазмуни ўзаро бириккан учта, яъни билишга интилиш, ривожлантирувчи ва тарбиявий жиҳатлардан иборат, улар материал мақсадида ва мазмунида акс эттирилади.

Очиқ дарсга тайёргарлик кўриш даврида ўқитувчи замонавий маълумотларни, педагогик ва методик адабиётлар материалларини танлаши, методик семинарлар, кўргазмалар натижаларини қўллаши керак. Буларнинг барчаси машғулотни қизиқарли ва билимга бой қилади. Машғулотнинг материал-техник жиҳозланиши олдиндан тайёрланади, уларни ишлатиш кетма-кетлиги режалаштирилади. Кўргазма материаллар ва аудиовидео воситаларини шундай танлаш керак-ки, бунда уларни қўллаш олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун оптимал самара бериши лозим. Барча кўргазма материаллар машғулот мақсади учун хизмат қилиши керак.

Очиқ дарснинг анъанавий режаси учта қисмдан иборат: кириш, асосий ва якунловчи. Кириш қисми тингловчилар эътиборини жалб этиш учун муҳим. Машғулот бошланишиданоқ тингловчиларда ҳайратланиш, қизиқиш ҳиссиётларни уйғотиш орқали уларда машғулотга нисбатан мотивация шаклланиши таъминланади. Дарснинг иккинчи қисмида мавзу ёритиб берилади ва муштақамланади. Бу қисмда энг мураккаб фаолият турлари қўлланилади. Олдинга қўйилган масалалар ечимини топиш имконини берувчи, ўқитувчи томонидан танлаб олинган педагогик технологиялар, иш шакллари ва методлари кўрсатиб берилади. Машғулотнинг учинчи қисмида материал умумлаштирилади, бир вақтнинг ўзида машғулот таҳлил қилинади.

Очиқ дарс мақсадини шакллантириш жуда муҳим босқич. Машғулот мақсади – бу ушбу машғулот якунида ўқитувчи ва талабанинг эришиши керак бўлган, ўқитувчи томонидан олдиндан дастурлаштирилган натижа ҳисобланади (“бу ерда ва ҳозир” тамойили). Тайёргарликни очиқ машғулотнинг методик мақсадини шакллантириш билан бошлаш лозим. Методик мақсад дарсни ўтказишнинг асосий методикасини акс эттиради. Бу ўз-ўзига баҳо бериш ва машғулотни таҳлил қилиш учун энг конструктив ва объектив ҳолда ёндашишга, танланган услублар, усуллар ва ташкиллаштириш шакллари тўғрилигини баҳолашга ёрдам беради. Очиқ машғулотнинг методик мақсади қуйидагича шаклланиши мумкин: а) амалий масалаларни ечишда персонал компьютердан фойдаланиш; б) тингловчиларнинг мустақил ишини ташкиллаштириш методикаси; в) иш жараёнида дидактик материал ва кўргазмали материаллар билан ишлаш жараёнида билиш фаолиятини фаоллаштириш. Ўқитиш мақсади талабаларда компетенглик, амалий тажриба, билимлар тизими ва бошқалар каби хислатларни шаклланишини кўзлайди. Мақсадни шу машғулот мавзусига мос ҳолда конкретлаштириш зарур. Масалан, талабаларни одам танасининг маълум соҳасининг тузилишидаги хусусиятлари билан таништириш, топик ташхис ҳақида тушунча бериш, турли паттологик жараёнларда ўрганилаётган соҳадаги аъзолар ва тўқималар тузилишининг вариантларини ўрганиш, ушбу соҳадаги анатомик объектларни қайта кўриб чиқиш, анестезия техникасини эгаллаб олиш, оператив очиб кириш ва оператив усулни бажариш кўникмаларини ўрганиш ва бажариш, ва охирида ушбу

мавзу бўйича олинган билимларни системлаштириш.

Ривожлантириш масалалари машғулот вақтида таълим олувчиларда билишга оид психик жараёнларни: шахсий сифатлар (мустақиллик, ирода ва бошқ.), шахс ва характернинг маълум хоссаларини; фикрлашни (аналитик, синтезловчи, аналитик-синтезловчи, абстракт); турли туман масалаларни ечишда ижодий ёндашиш, асбоблар, усқуналар ва бошқалардан фойдалана олиш; бажарилган ҳаракатларни назорат қилиш ва баҳолаш, ўз ҳаракатларини назоратга олиш ва тўғрилаш, жамоатчилик ҳиссиётини шакллантириш, катталарга ҳурматда бўлиш, ўзаро ёрдам, сидқидиллик, жавобгарлик, ижрочилик ҳислатларни юзага чиқаришни ривожлантиришни тахмин қилади.

Очиқ дарс учун машғулот вақти аниқ ва оқилона тақсимланган, ўқитувчи ва талаба нимани ва қандай бажариши кўрсатилган режа тузилади (бир нечта нусхада бўлиб таклиф қилинганларга тақдим этилади). Режа дарснинг асосий босқичлари барчасини, ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти асосий турларини, иш турлари ва шаклларини ҳамда вазиятий масалаларни акс эттириши керак. Кейинчалик машғулот режаси ўз ўзини баҳолаш ва дарсни таҳлил этишда негиз бўлади.

Очиқ дарс учун ўқитувчи машғулотнинг методик таъминланишини белгилаб берувчи тўлиқ ҳужжатлар мажмуини тайёрлайди, мажмуа ўз ичига қуйидагиларни олади: календар-тематик режа, ўқув машғулоти режаси, дидактик ва тарқатма материаллар, видеоматериаллар тўплами. Очиқ дарснинг методик ишланмаси тайёрланади. Методик ишланма структурасига тушунтириш хати, машғулот структураси, машғулотнинг батафсил конспекти (сценарийси), дидактик материал намуналари, қўлланилган адабиётлар руйхати ва бошқа ҳужжатлар қиради. Очиқ дарснинг методик ишланмаси муҳокама қилиниб тасдиқлангандан сўнг ўқув бўлимга топширилади.

Очиқ дарсни ташриф буюрувчилар иштирокида таҳлил этиш шарт. Дастлаб ўқитувчи сўзга чиқади, у методик мақсадни кўрсатиб ўтади, иш натижасини баён қилади. Таклиф қилинганлар дискуссия кўринишида дарсни баҳолашда, бунда методик мақсадга эришилганлик даражаси белгиланади.

Очиқ дарс вақтида ўқитувчи ҳар доим хотиржам, вазмин ва ўзига ишонган бўлиши керак, ўқитувчи баъзида импровизация қилиши лозим. Очиқ дарсда қўлланиладиган барча метод ва усуллар олдиндан гуруҳ билан бирга машқ қилиниши лозим – бу талабаларнинг бегоналар олдида осонгина адаптацияга эришишига ёрдам беради. Машғулот бошида дастлаб талабаларни, кейин меҳмонларни табриклаб саломлашиш машғулотнинг талабалар учун мўлжалланганлигини таъкидлайди. Қўлланилган ҳамма материаллар мақсад ва вазифаларга мос келиши керак. Дарс вақтида барча иштирокчиларни, ҳатто сўст талабаларни ҳам жалб қилиш керак. Бу мақсадга эришиш учун катта ёрдам беради.

ТИББИЙ-БИОЛОГИК ФАНЛАР СОҲАЛАРИ МАГИСТРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Р.К. Азимов

Узлуксиз таълим тизимининг ривожланиши педагогик касбнинг қисман ўзгариши бу соҳадаги мутахассислар сонининг кескин ортишига ва турли туманлигининг кўпайишига олиб келапти.